

## ЯНГИ ЙИЛ ҚУТЛОВИ

Табриклашнинг гаштидан баҳраманд бўлғанларнинг қувончи чексиз. Ўзаро табриклар самимиятга йўғрилгани билан ҳар иккала томонни ҳам мафтун этади.

Бугун, 2017 йил 22 декабр куни “Ўздаврлойиха” илмий-лойиҳалаш институтининг бир гуруҳ мутахассислари “Ердан фойдаланиш ва ер кадастри” факультети талабалари ҳамда профессор ўқитувчилари жамоасини кириб келаётган янги йил билан табриклаш мақсадида институтга ташриф буюришди.

Ишлаб чиқариш корхоналари ва институт билан узвий алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида факультетининг 3 ва 4 курс талабалари билан ташкил этилган тантанали маросимда лойиҳа институтининг бош муҳандиси Р.И.Жўраев талабаларни ва жамоани янги йил билан табрикладилар. Иқтидорли ва шу касбга бугундан меҳр қўяётган талабалардан 2 нафарини моддий рағбатлантирилди ҳамда кафедраларга қўмита томонидан нашр этилган янги китоблардан совға қилинди.

Учрашув талабаларда ва факультет жамоасида илиқ таассурот қолдирди.

**“ЕФ ва ЕК” факультети декани мувовини Сарвар Абдурахмонов ахбороти  
Институт матбуот котиби: Раҳимбой Жуманиёзов**